



Шайх ул-ислом Ибн Таймия айтди:

Агар асоси нопок (ножосат) бўлган кон, ўлимтик, чўчка гўшти каби нарсалар мохияти ўзгариб тузга айланса ёки куйиб кул ва охакга айланса, бу масалада уламолар икки хил фикрга эгалар. Улардан баъзилари Шофеий ва Ханбалийларга кўра нопоклик хусусияти ўзгариб, бошқа кўринишга ўтса ҳам нопоклигича қолади. Яна бошқа бир фикр, агар нопок нарса ўзининг холатини ва сифатини ўзгартиса покиза хисобланади, ва бу Абу Ханифа, Молик ва Ахмад (икки фикридан бири), зохирий ва бошқа олимларнинг фикридир. Бу энг тўғри фикр бўлиб, сабаби, Куръон ва суннатда хусусияти ўзгарган нарсаларга таъкик йўқдир. Бундай нарсаларнинг таъкикланишига ҳеч қандай далиллар йўқ бўлиб, аксинча, рухсат берувчи матнлар уларга таалуклидир, чунки улар яхшиликлардир (яъни асоси пок бўлган, рухсат берилган нарсалар). Шу сабабли Куръон ва суннат, киёслаш уларга рухсат беради!”. Каранг: “ал-Фатво ал-кубро” 1/231

Ушбу коидага асосланиб кўпчилик, техник ва кимёвий кайта ишлаш натижасида махсулотлар хусусиятини ўзгартиради деб ўйлаб, чўчка ва халол сўйилмаган корамоллардан олинадиган махсулот, препаратларни кўркмай истеъмол қилаверадилар. Аммо вазият аслида кўпчилик ўйлаганидан йироқдир. Кўплаб дориларнинг таркиби, ишлов бериш жараёнида бутунлай ўзгармайди. Шу сабабли халол истеъмол қиладиган мамлакатларда Исроил (кошер махсулотлар), БАА ва Саудия қабиларда масалага жиддий ёндошиш мавжудлиги сабабли РФ ва МДХ давлатлари растарида кўришга одатланиб қолган чўчка ва ўлимтиктан тайёрланган препаратлар амалда учрамайди. Шу сабабли шубхали дори-дармонларга дуч келмаслик учун уларни чўчка ва ўлимтикка умуман алоқаси бўлмаган доривор хусусияти бошқасиникидан кам бўлмаган препаратга

алмаштириш яхшироқдир. Агар сиз ўрнини босадиган препарат топа олмасангиз, мутахассис билан маслахатлашинг. Энг мухими, хар кандай дорини ўрнини боса оладиган бошка дори борлигини тушунишингиздир.

Мисол учун:

1. Таникли панкреатин (мезим, панзинорм, фестал, гермитал, креон, микразим ва бошкалар) ни осонгина куйидагиларга алмаштириш мумкин:
 - “Солгар” компаниясининг “Бромелайн” препарати, дори ананасдан олинади.
 - Кора седана(тмин) ёки занжабил(имбир)дан олинган махсулотлар. Панкреатин каби овкат вақтида кабул килинади, дозаси алохида танланади.
2. Амалиётда тез-тез қўлланиладиган препаратлардан серебролизин (чўчка мясидан олинган), кортексин (корамол ва чўчка мясидан), солкосерил ва актовегин (бузок конидан) кабилар етарлича илмий асосларга эга бўлмагани учун, тиббиёт юкори ривожланган давлатларда ишлатилмайди. Шундан кўриниб турибдики, уларни қўллашдан воз кечиб, кўрсатмалардан келиб чикган холда мянинг озикланиши ва ундаги кон айланишини яхшилайдиган, амалиётда самараси юкори бўлган хижома кабилардан фойдаланиш мумкин.
3. Йўтални даволаш учун ишлатиладиган спиртли тиндирма(настойкаларни) ўсимлик дамламаларига алмаштириш мумкин. Шунингдек дорихоналарда таркибида спирти бўлмаган кўплаб киём(сироп) ва эликсирларни топишингиз мумкин. Бошка таркибида спирт саклаган препаратларни ўринбосарини хам дорихонадан топишингиз мумкин.

Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг набиралари ва «райхонлари» – Абу Мухаммад Хасан ибн Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан ривоят: «Мен Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан мана бу сўзларни ёдлаб колганман: «Сени шубхага солган нарсани кўйгин-да, шубхалантирмайдиган нарсани ол». (Термизий ва Насайий ривоятлари. Термизий хасан-сахих хадис деб тасниф этганлар).